

IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

IJORCES

**International journal of conference series on education
and social sciences. (Online)**

January 2025

Science Editor: **Cetin Avcı**
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2024

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at ijorces.org

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN
Electronic Journals

Universal
Impact Factor



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ВОСИТАЧИЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ

Ражаббоев Ифтихор Ўктамбаевич -
соискатель Ургенчского государственного университета

Бугунги глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобатчилик шароитида хизмат кўрсатиш тармоқларини, айниқса, воситачилик хизматлари бозори (ВХБ)ни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларга бўлган талаб кун сайин олиб боримокда. ВХБни ривожлантириш ҳисобига онлайн ва офлайн янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлиги ошириш ҳамда меҳнатда бандлигини таъминлаш, жойларда ва иқтисодиёт тармоқларида ВХБни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, ВХБни ривожланишини социологик тадқиқотлар асосида баҳолаш асосида ВХБда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ўз ечимини кутаётган долзарб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ҳам хизматлар соҳаси, хусусан, ВХБ субъектларини янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 мартага ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш”¹ устувор вазибалар сифатида белгилаб берилган². Ушбу вазибаларни самарали амалга оширишда ВХБ ривожланиш қоидалари ва беқарор шароитларда ВХБ субъектларини фаолиятини такомиллаштириш, ВХБнинг ҳозирги ҳолатини SWOT таҳлиliga асосланиб, соҳа субъектлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини асослаш, ВХБнинг самарадорлигини ҳисоблаш учун ишлатиладиган индикатив кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятини, Хоразм вилояти ВХБнинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар ҳам алоҳида долзарб масала саналади.

Биз ушбу мақола доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг энг муҳим устувор йўналишларидан бўлган Хоразм вилоятида ВХБ ривожла-нишининг худудий хусусиятлари, муаммолари ва ечимларига бағишланган 2024 йил ноябрь-декабр ойларида 327 нафар респондент ўртасида ўтказган социологик анкета сўровномаларимиз натижалари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Социологик анкета-сўровномасида қатнашган респондентларнинг жинси бўйича 61,5 фоизини эркеклар ва 38,5 фоизини аёллар, қарийб 62 фоизини 18-23 ёшдагилар, 15 фоизини 30-35 ёш оралиғидагилар ва 7 фоизини мос равишда 24-29 ҳамда 36-41 ёш оралиғидаги респондентлар ва қлган 9 фоизини эса бошқа ёш оралиғидагилар ташкил қилди. Шунингдек, социологик тадқиқотда қатнашган респондентларнинг 65,1 фоизини меҳнат стажига эга бўлганлар, 16,2 фоизини 6-10 йилликлар ва 7 фоизини 11-15 йилликлар ҳамда 5 фоизини 16-20 йил меҳнат стажига эга бўлганлар ташкил этди.

Анкета таркибига соҳа мутахассислари ва амалиётчи-экспертлар билан келишилган ҳолда жами 50 та саволлари тузиб киритилди. Респондентларнинг социологик сўровномадаги “Хоразм вилояти ВХБнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?” деган саволга 36,4 фоизи “Қониқарли”, худди шунча қисми “Яхши”, 11,9 фоизи “Паст”, 9,2 фоизи “Жуда паст” ҳамда 6,1 фоизи “Жуда яхши” деб жавоб беришган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 сонли “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони// https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон -2030 Стратегияси тўғрисида”ги Фармони// <https://lex.uz/docs/6600413>

Респондентларнинг “Хоразм вилояти ВХБда мавжуд қандай хизматларни биласиз?” деган саволга анкета иштирокчиларининг 192 нафари ёки 58,7 фоизи “*дистрибьютор (дилер)*”, 126 нафари ёки 38,5 фоизи “*агент*”, 34 нафари ёки 10,4 фоизи “*коммивояжер*” ҳамда 134 нафари ёки 41 фоизи “*брокер (маклер)*” каби воситачи хизматчиларини билишларини таъкидлашган.

Респондентларнинг “Қайси воситачилик хизматини ривожланган деб ҳисоблайсиз?” деган саволга 55 фоизи “*дистрибьютор (дилер)*”, 32,7 фоизи “*агент*”, 8,3 фоизи “*коммивояжер*” ҳамда 33 фоизи “*брокер (маклер)*” деган жавобни беришган.

Анкета сўровнома иштирокчиларининг 40,7 фоизи ВХБда кадрлар таъминоти масаласини қониқарли, 30,6 фоизи “*яхши*”, 15,3 фоизи “*наст*”, 10,1 фоизи “*жуда наст*” ҳамда 3,4 фоизи “*жуда яхши*” деб ҳисоблайди. Шунингдек, “Худудий ВХБда кадрлар салоҳияти қандай баҳолайсиз?” деган саволга 327 нафар иштирокчиларнинг 118 нафари “*яхши*”, 113 нафари “*қони-қарли*”, 48 нафари “*наст*”, 35 нафари “*жуда наст*” ҳамда 13 нафари “*жуда яхши*” деган жавобни беришган бўлса ““Худудий ВХБда АКТни қўллашнинг аҳволи қандай?” деган саволга респондентларнинг 37 фоизи худудий ВХБда АКТни қўллашнинг қониқарли аҳволда, 29,6 фоизи “*яхши*”, 19 фоизи “*наст*”, 8,9 фоизи “*жуда наст*” ҳамда 5,5 фоизи “*жуда наст*” деб ҳисоблайди.

Социологик сўровномада қатнашган респондентларнинг 108 нафари ёки 33 фоизи ўз ташкилий-ҳуқуқий мақомини яқка тартибдаги тадбиркор, 107 нафари ёки 32,7 фоизи маъсулияти чекланган жамият, 66 нафари ёки 20,2 фоизи хусусий корхона, 28 нафари ёки 8,6 фоизи оилавий корхона ҳамда 18 нафари ёки 5,5 фоизи акциядорлик жамияти деб ҳисоблашган.

Респондентларнинг 57,8 фоизи ВХБда иштирокчиларнинг ҳаётий цикли давомийлигини “*ўрта муддатли*”, 17,4 фоизи “*қисқа муддатли*”, 16,8 фоизи “*узоқ муддатли*” ҳамда 8 фоизи “*чексиз*” деб ҳисоблашини маълум қилган. Шунингдек, сўровномада қатнашган респондентларнинг 48 фоизи “*дистрибьютор (дилер)*” воситачилик хизмати турини улуши юқори деб ҳисоблайди. Сўровномада берилган “*брокер (маклер) хизмати*” 20,5 фоиз, “*коммивояжер*” 11,3 фоиз, “*агент*” 20,2 фоиз қатнашувчилар томонидан энг катта улушга воситачилик хизмати турларига киритилган.

Сўровномада иштирок қилганлардан “ВХБни ривожлантиришдаги кучли томонлар қайсилар?” деган саволга уларнинг 144 нафари ёки 44 фоизи “*мижозларни тез топши*”, 136 нафари ёки 41,6 фоизи “*қулай нархлар*”, 119 нафари ёки 36,4 фоизи “*ортиқча харажатларнинг йўқлиги (маркетинг)*” ёки 40 нафари ёки 12,2 фоизи “*фойдаланганлик муддати янглиги*” деб жавоб беришган.

Ўз навбатида, респондентлардан томонидан “ВХБнинг заиф томонлари қайсилар?” деган саволга респондентларнинг 31,8 фоизи “*ғирром рақобатни бўлиш эҳтимоли*”, 34,3 фоизи “*маълум миқдорга боғланиб қолиш*”, 42,5 фоизи “*сотув занжири қўлиги эвазига баҳоларнинг ошиб кетиши эҳтимоли*”, 30,3 фоизи “*сифатни бир хил бўлмаслик хатари*” сабабларини ВХБнинг заиф томонлари деб ҳисоблашини билдирган. Шунингдек, респондентларнинг 92 нафари ёки 28,1 фоизи “*янги сотувларни топши*”, 154 нафари ёки 47,1 нафари “*маркетинг устамаларини кенгайтириши (бонус)*”, 125 нафари ёки 38,2 фоизи “*ўрнини тўлдирувчи товарларни ҳам сотишни йўлга қўйиши*”, 88 нафари ёки 26,9 нафари “*кадрлар малакасини ошириши эвазига сотувларни ошириши*” ВХБни ривожлантириш имконияти деб ҳисоблашган.

“ВХБни ривожлантиришдаги таҳдидлар қайсилар?” деган саволга социологик сўровномада қатнашган респондентларнинг 38,8 фоизи “*товарларни сотилмай қолиши эҳтимолини бўлиши*”, 37 фоизи муаян “*товарларга талабнинг камайиши*”, 41 фоизи “*истеъмолчилар диди ва ҳоҳишларини бошқа томонга ўзгартириши*” ҳамда 23,5 фоизи “*воситачиларнинг хизматларини тақиқловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши*” деб белгилашган.

“ВХБга таъсир қилувчи омиллар қайсилар?” деган саволга 202 нафар респондентлар “*иқтисодий омилларни*”, 119 нафари “*ижтимоий*”, 105 нафари “*ҳуқуқий*”, 84 нафари мос равишда “*ташкилий ва сиёсий*”, 77 нафари “*экологик*”, 59 нафари “*маданий*”, 49 нафари



“психологик” ҳамда 45 нафари “тиббӣй омилларни” ВХБга таъсир қилувчи омиллар деб ҳисоблашган.

Социологик сўровномада қатнашган респондентларнинг “ВХБга сиёсий-ҳуқуқий омиллар қандай таъсир қилади?” деган саволга уларнинг 127 нафари ёки 38,8 фоизи “*чегарадаги нотинчлик эвазига товарларнинг четдан келишини чеклаши мумкинлиги*”, 145 нафари ёки 44,3 фоизи “*давлатлар ўртасида низоли вазият бўлса, товар етказиб бериш тўхтатиши мумкинлиги*”, 129 нафари ёки 39,4 фоизи “*турли санкциялар ва чеклашларни киритиш бозорга салбий таъсир қилиши мумкинлиги*” ҳамда 88 нафар ёки 26,9 фоизи “*товарларни экспорт қилишга давлатлар томонидан экспорт божларини оширувчи нормаларни қабул қилиниши*” деб жавоб беришган.

“ВХБда риэлторлик, коммивояжерлик, дистрибьютор ҳамда дилерлик фаолиятларнинг улуши қандай?” деган саволга сўровномада иштирок қилганларнинг 42,5 фоизи риэлторлик фаолиятини воситачилик бозоридаги улушини “*катта*”, 6,7 фоизи “*жуда катта*” деб ҳисоблайди. Қолганларининг 40,4 фоизи “*наст*” ва 10,4 фоизи “*жуда наст*” деб ҳисоблайди. Шунингдек, коммивояжер фаолиятини 40,7 фоиз респондентлар “*катта*”, 6,7 фоизи “*жуда катта*”, 40,4 фоиз “*наст*” ҳамда 12,2 фоизи воситачилик бозоридаги улуши “*жуда наст*” деб ҳисоблайди. ВХБда дистрибьютор ва дилерлик тармоқларини воситачилик бозоридаги улушини респондентларнинг мос равишда 47,1 ва 54,4 фоиз “*катта*”, 9,8 ва 12,2 фоизи “*жуда катта*” деб ҳисобласа, қолганларнинг мос равишда 31,5 ва 25,7 фоизи “*наст*” ҳамда 11,6 ва 7,6 фоизи “*жуда наст*” деб ҳисоблаган.

“ВХБда қора бозор улуши қандай? деган саволга респондентларнинг 26,6 фоизи “*катта*”, худди шунча қисми “*наст*” даражада ва қолган респондентлар билмаслигини ёки жавоб беришга қийналишини билдирган.

ВХБни легаллаштириш бўйича респондентларнинг 126 нафари ёки 38,5 фоизи “*воситачилик фаолиятини ҳисоб-китобларини статистик муомалага киритиш зарурлигини*”, 121 нафари ёки 37 фоизи “*воситачилик фаолиятини расмий ўз ўзини банд қилиш фаолияти турларига киритишини*”, 116 нафари ёки 35,5 фоизи “*воситачилик фаолиятини даромадларига табақалашган чегирмалар бериш кераклигини*” ҳамда 78 нафари ёки 23,9 фоизи “*воситачилик фаолиятининг дастлабки даврларида солиқ имтиёзларини бериш таклифини*” билдирган.

“ВХБда масофавий ишлаш устунликлари ҳақида фикрингиз?” деган саволга респондентларнинг 150 нафари ёки 45,9 фоизи ВХБда масофавий ишлаш устунликлари сифатида “*товар ва хизматларни қидиришга кетадиган вақт тежалишини*”, 121 нафар ёки 37 фоизи “*товар ва хизматлар транспорт ва трансакцион харажатлар пасайишини*”, 127 нафари ёки 38,8 фоизи “*товар ва хизматларнинг сифати фирма имиджи ва бренд орқали кафолатланишини*” ҳамда 68 нафар ёки 28,8 фоизи “*ижара тўловлари ва хизматлар нол қийматда бўлишини*” билдирган.

Ижтимоий сўровномада қатнашган респондентлардан “ВХБда масофавий ишлаш камчиликлари” ҳақида фикри сўралганда уларнинг 141 нафари ёки 43,3 фоизи “*товар ва хизматларни реал кўриш имконияти йўқлиги*”, 151 нафар ёки 46,3 фоизи “*товар ва хизматларнинг сифатига кафолат бўлмаслиги*”, 102 нафар ёки 31,3 фоизи “*товарларнинг ташиш жараёнида хатарларнинг бўлиш эҳтимоли*”, 67 нафар ёки 20,6 фоизи “*товар ва хизматларнинг етказиб бериш муддати чўзилиб кетиш мумкинлигини*” билдиришган.

Респондентларнинг 125 нафари ёки 38,2 фоизи ВХБни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида “*ВХБ истиқболли юқори тадбиркорлик тури ҳисобланишини*”, 156 нафари ёки 47,7 фоизи “*ВХБнинг истиқболли рақамли технологиялар кенг жорий қилинсагина юқори бўлишини*”, 94 нафари ёки 28,7 фоизи “*ВХБ эндигина шаклланётганлигини ва 5-10 йил ичида жуда ривож-ланишини*”, 73 нафари ёки 22,3 фоизи “*ВХБда кадрлар таъминоти масаласи ҳал қилинсагина юқори бўлишини*” ҳамда 81 нафари ёки 24,8 фоизи “*ВХБда солиқ ва носолиқ имтиёзлар берилса янада жадал ривожланишини*” билдирган.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги социологик анкета-сўровномалари таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилоятида ВХБни ривожлантириш ҳамда

ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

биринчидан, вилоят ВХБ ривожланишини янада жадаллаштириш учун мавжуд хизматлар турларини кўпайтириш ва янги хизмат турларини ўзлаштиришни кучайтириш ҳамда ВХБда кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда тегишли университетларда кадрларни малақасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини йўлга қўйиш лозим;

иккинчидан, таҳлилларимизга кўра, ВХБда АКТларни қўллаш жараёнлари ҳам ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу йўналишда ҳам илғор технология ва дастурларни кенг жорий қилиш ҳамда истиқболда ВХБни фақат онлайн режимда ишлайдиган даражагача етказиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, ВХБда фаолият юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомида юридик шахсларнинг салмоғини ошириш, ҳаётий циклини узайтириш, либераллашув ва менежмент тамойилларига риоя қилишлари эвазига одоб-ахлоқ нормалари ва тадбиркорлик маданиятига риоя қилишлари учун улар учун махсус услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ёки уларга махсус ижтимоий каналлар орқали етказиб бериш лозим;

тўртинчидан, ВХБни ривожлантиришнинг кучли томонларини инобатга олган ҳолда мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда заиф жиҳатларини имкон қадар камайтириб, таҳдидларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амаоҳлга ошириш;

бешинчидан, ВХБ га таъсир қилувчи омилларнинг салмоғига кўра гуруҳларга ажратган ҳолда ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар кўлами ва улушини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш керак;

олтинчидан, ВХБда қора бозорнинг улушини пасайтириш ва ушбу бозорни легаллаштириш, солиқ юқини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб изчил амалга ошириш;

еттинчидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иқтисодиёт ва молия йўналиши ўқувчи ва талабалари учун масофада ишлаш, қимматли қоғозлар бозори, воситачилик хизматлари бўйича махсус курсларни жорий қилиш асосида талаба ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим.

Ўйлаймизки, юқоридаги санаб ўтилган чора-тадбирларни оғишмасдан изчил амалга ошириш вилоятда ВХБни янада бақарор ва мутаносиб ривожланишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 сонли “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон-нинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони//https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон -2030 Стратегияси тўғрисида”ги Фармони// <https://lex.uz/docs/6600413>

3.Муаллифнинг социологик сўровнома асосида таҳлил қилган маълумотлари.